
Олтинчи чақириқ халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўттиз тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди

Унда шаҳар ҳокимининг тегишли ўринbosарлари, сектор раҳбарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессия ишига халқ депутатлари шаҳар Кенгashi раиси A.Зиявитдинов раислик қилди.

Сессия кун тартибига киритилган - Марғилон шаҳар худудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни 11-Фарғона округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этиш бўйича 11-Фарғона округ сайлов комиссияси аъзоси Маръям Юлдашеванинг ахбороти тингланди.

Сессия давомида кун тартибидаги масала бўйича шаҳар Кенгashi депутатлари T.Нишонов ва F.Мадумаровлар музокара учун сўз олдилар.

Қизғин баҳс ва музокараларга бой тарзда ўтган сессия якунида кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

2021-09-08 19:42:33